# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2017-YIL 16-fevral, payshanba, № 20 (8727)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кўплаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2016 йил 6 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар фаол ва самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидандир. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини "яшил йўлак" орқали россиялик истеъмолчиларга етказишни ташкил этишга доир келишувлар имзоланган. Жорий йилда Россия бозорига 1 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар, шунингдек, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш мўлжалланган.

Ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 960 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 64 етакчи компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси билан бир қаторда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик саноати, фармацевтика, замонавий тиббий ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларида ҳам янги инвестициявий лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янги дастур ва битимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

Д.Козак самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, божхона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, темир йўл, авиаташув, машинасозлик, электр техникаси, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика соҳаларида фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Р.Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишув ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидлади. Келгусида инвестициявий лойиҳаларни кенгайтириш, туризм, таълим, меҳнат миграциясига доир ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 14-15 апрель кунлари Россия Федерациясига расмий ташрифи доирасида қабул қилинган 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Дастур икки давлат ўртасидаги самарали иқтисодий шерикликни таъминлашда муҳим асос бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръат билан ривожланмоқда. Россия Федерацияси мамлакатимизнинг ташқи савдо ҳамкорлари орасида етакчи мавқега эга. 2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган.

– Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноатни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар эътиборга молик, – деди Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Д.Козак. – Мазкур комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият бўлди. Ўзбекистон билан савдо, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, атроф-муҳит, илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Россия делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самаралари, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун яратилаётган қулай шароитлар, юртимизнинг экспорт салоҳияти, эркин индустриал зоналардаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Савдо, энергетика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, транзит, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш, ўзаро манфатли лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Севара АЛИЖОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш жараёнига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида:

1. Тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

мажбуриятлар ва шартномалар, шу жумладан, халқаро шартномалар бўйича Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг ("Ўзавтойўл" ДАК) ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

автомобиль йўллари соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб бориш;

автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг юқори транспорт-фойдаланиш даражасида бўлишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси ташкил этилсин.

6. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қурилиши юзасидан шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирок этиш;

йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб бориш.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ва Тошкент авиация транспорт прокуратураси томонидан тадбиркорлар учун очиқ мулоқот ташкил этилди.**

Унда таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида тадбиркорларга 2016 йилда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ "Тошкент-Аэро" ИБК томонидан божхона тўловлари бўйича 4,8 триллион сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзлар берилди. Тақдим этилган имтиёзлар мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган дастурлар ижроси бўйича четдан олиб келинган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашёлар ва материалларга қўлланилган.

Шунингдек, фармонга кўра, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларнинг экспорти бўйича тузилган экспорт шартномаларини ҳам божхона органларида ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинди. Амалда эса тадбиркорлар экспорт шартномаларини мажбурий тарзда божхона органларида ҳисобга қўйиб келишаётган эди.

Тадбирда фармон ижроси доирасида жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб ишга туширилган, экспорт ва импорт юкларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун зарур бўлган 20 турдан ортиқ рухсатнома ҳужжатларини турли идоралардан интернет ёрдамида, яъни онлайн режимида олиш имконини берувчи "Ягона ойна" идоралараро ахборот тизими (www.sw.customs.uz) ва ундан фойдаланиш тартиби ҳақида ҳам батафсил ахборот берилди.

Тадбир қатнашчилари пойтахтимиздаги дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи "Dentafill Plyus" корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишди.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Фарғона** вилояти



## МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН СИФАТЛИ ДОРИ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашни ташкил этиш ишлари йилдан-йилга такомиллашиб, сифат жиҳатидан янада яхшиланмоқда.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир.

Мазкур ҳужжатда маҳаллий хомашё, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, аҳолига сифатли ва арзон дори-дармон воситаларини етказиб беришга доир муҳим йўналишлар белгиланган.

Фарғона вилоятида ҳам фармацевтика саноатини ривожлантириш, замонавий ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2016 йилда вилоятда мазкур йўналишда 5 лойиҳа амалга оширилиб, маҳаллий хомашё асосида дори-дармон воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда вилоятда ўндан ортиқ фармацевтика корхонасини ташкил этиш режалаштирилган.

Бешариқ туманидаги "Beshariq momiq fayzi" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган тиббиёт пахтасига бугун ички ва ташқи бозорда талаб катта. Миллий банкнинг туман филиали кредити ва тадбиркор сармояси эвазига корхонага замонавий технологиялар ўрнатилди.

– Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит бизни маҳаллий хомашёдан тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга ундади, – дейди корхона раҳбари Муҳаммадризо Эргашев. – Айни кунларда маҳсулотларимизни экспорт қила бошладик.

Жорий йилда корхонага 1 миллиард 200 миллион сўмлик инвестиция йўналтирилиб, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Сурхондарё** вилояти

## АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЎРГАТИШ МАҚСАДИДА

**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳолининг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш борасида вилоятда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, мавжуд 712 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, аҳоли ўртасида ишбилармонликни ривожлантириш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари аъзоларидан таркиб топган ишчи гуруҳи томонидан Ангор, Қизириқ ва Шеробод туманларидаги фуқароларнинг муаммоларига ечим топиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилаш билан боғлиқ ҳолатлар атрофлича ўрганилмоқда. Улар хонадонларда бўлиб, аҳолига томорқадан тўғри фойдаланиш, чорва моллари ва парранда боқишни йўлга қўйиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган фуқароларга имтиёзли кредитлар тавсия этиляпти.

**Дилфуза ЖЎРАЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида.

Эл дарди билан яшаш – саодатдир.

Имкониятлар янада кенгаймоқда.

«Qishloq hayoti»
2017-yil 16-fevral, payshanba № 20 (8727)-son

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика йўл жамғармаси маблағлари тушуми ҳамда сарфининг йиллик ва чораклик ҳисоботларини шакллантириш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номма-ном рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш.

8. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, Давлат божхона қўмитасига ва Ички ишлар вазирлигига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағларидан асосли ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юкланади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ва мукаммал таъмирлаш объектларини техник-иқтисодий асослашни (техник-иқтисодий ҳисоб-китобни), автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш объектларининг иш ҳужжатларини ва автомобиль йўлларини жиҳозлаш бўйича танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича буюртмачи функцияси Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасига юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар ҳисобланади, уларнинг миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этишни ҳамда 2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирларини назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 февраль

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ШАРҲ

Йўл хўжалиги соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга экани унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий ривожи, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати айни шу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида вилоятлар ва туманларнинг маъмурий марказларини боғловчи кенг тармоқли транспорт алоқалари ҳамда давлатлараро хавфсиз транспорт ташувларини таъминлашга қаратилган йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини бошқариш тизими, автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишларига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўлларини бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзавтойўл" ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасини ташкил этиш назарда тутилади.

Автомобиль йўлларини бошқариш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган давлат органи сифатида Давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сиёсатни олиб бориш;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш;

замонавий транспорт оқими шароитида автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, улардан транспортда фойдаланиш даражаси юқори бўлишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, сифат стандартларига риоя этилишини таъминлаш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан, чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

Фармонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекциясини ташкил этиш назарда тутилган.

Қуйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қурилиши бўйича шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилинишини устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирок этиш;

йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб бориш.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилиб, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

Республика йўл жамғармаси маблағлари тушуми ва сарф-харажатларининг йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш.

Кенг қамровли автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, юксак халқаро талабларга жавоб берадиган транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транспорт йўлакларига кенг интеграциялашувини таъминлаш, автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва сақлашга йўналтириладиган давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга, йўл корхоналари тузилмасини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда:

– Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳузурида Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекциясини ташкил этиш;

– "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ҳудудий бош бошқармалари этиб қайта ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳузурида минтақавий йўлларга буюртмачи хизматини белгиланган тартибда ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳузурида минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш назарда тутилади.

Шунингдек, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ҳамда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибига берилмоқда.

Айни вақтда қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг ҳолати билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда, ушбу автомобиль йўлларининг аксарият қисми белгиланган сифат ва хавфсиз ҳаракатланиш талабларига жавоб бермайди.

Янги турар жой мавзеларининг барпо этилиши, шаҳарларнинг кенгайтирилиши, транспорт воситалари сонининг жиддий кўпайиши минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини тубдан яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Туман ва шаҳарларнинг йўл ташкилотлари йўл-таъмирлаш техникаси, моддий-хомашё ресурслари билан етарли даражада таъминланмаган, ҳар йили ажратилаётган маблағлар хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини зарур даражада сақлаш ва таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаш учун етарли эмас.

Шу муносабат билан минтақавий автомобиль йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Дастурда қуйидаги вазифалар назарда тутилган:

2017-2018 йилларда 5454 километр, жумладан, 2017 йилда – 2700 километр, 2018 йилда – 2754 километр хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 та йўл техникаси билан таъминлаш;

мавжуд республика хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овуллар кўчаларини босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ва уларни паспортлаштириш, бу борадаги ишлар натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 295 километр, Андижон вилояти бўйича – 324 километр, Бухоро вилояти бўйича – 439 километр, Жиззах вилояти бўйича – 222 километр, Қашқадарё вилояти бўйича – 679 километр, Навоий вилояти бўйича – 216 километр, Наманган вилояти бўйича – 309 километр, Самарқанд вилояти бўйича – 479 километр, Сурхондарё вилояти бўйича – 535 километр, Сирдарё вилояти бўйича – 267 километр, Тошкент вилояти бўйича – 516 километр, Фарғона вилояти бўйича – 520 километр, Хоразм вилояти бўйича – 321 километр ва Тошкент шаҳри бўйича – 332 километр йўллар ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган.

Юқоридаги қарорларнинг амалга оширилиши қуйидаги масалаларни ҳал қилиш имконини беради:

биринчидан, йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг замонавий тармоғини янада ривожлантириш;

иккинчидан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

учинчидан, лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини ташкил этиш;

тўртинчидан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

бешинчидан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирларини тасдиқланган харажатларга мувофиқ ўз вақтида молиялаштириш;

олтинчидан, автомобиль йўлларини, айниқса, қишлоқ автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда янги тузилма, яшаш учун қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш;

еттинчидан, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ва касб-ҳунар коллежлари негизида, жумладан, бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида, лабораторияларда ва илмий-лойиҳа ташкилотларида амалий машғулотларни тизимли ташкил этиш йўли билан таълим сифатини оширишни таъминлаш ва умуман, соҳа учун профессионал кадрларни тайёрлаш;

саккизинчидан, минтақавий автомобиль йўлларини сақлашга тегишли ходим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, йўлларни эксплуатация қиладиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

тўққизинчидан, автомобиль йўлларини паспортлаштириш ва йўлларнинг жорий ҳолатини акс эттирган ҳолда, электрон маълумотлар базасини яратиш.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

## МУЛОҚОТ

**Фарғона вилояти**

**Халқ қабулхоналари ишлай бошлаганидан буён фуқаролар ечимини топмаган муаммолари хусусида мурожаат қилиб, уларнинг ечимини топмоқдалар. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Марғилон шаҳрида фаолият олиб бораётган Халқ қабулхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.**

# ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ДАВР ТАЛАБИ

Халқ қабулхонасида шу кунга қадар ёзма, оғзаки ва "Ишонч телефони" орқали қилинган мурожаатлар сони 300 дан ортиқни ташкил этмоқда. Улар масъул ходимлар ва тегишли мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганилиб, ҳал этилаётир.

Халқ қабулхонасига яқинда "Нодирмат" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Қосимжон Мамажонов турмуш ўртоғининг соғлиғи ёмонлиги, уни даволатиш ва ногиронлик гуруҳига чиқариш кийин бўлаётгани ҳақида мурожаат қилганди. Масала ўрганилгач, 58 ёшли Мухтасархон Дадажонова тиббий кўрикдан ўтказилиб, шифохонага ётқизилди. Чиндан ҳам унинг аҳволи бирмунча ёмонлиги аниқланиб, даволанишдан кейин комиссия кўригидан ўтказиш, ногиронлик гуруҳига чиқариш тавсия этилди.

Шунингдек, "Бурҳониддин Марғиноний" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тожихон Эрматова оилавий аҳволи ночорлиги боис, ёрдам пули ажратилишини сўраб ариза берган. Унинг аризаси ҳам тез фурсатда ўрганиб чиқилди ва ҳақиқатан ҳам уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги аниқлангач, тегишли комиссия хулосасига кўра мурожаати қаноатлантирилди.

Халқ қабулхонасига кейинги йигирма кун ичида 3 та пенсия ва ногиронликни белгилаш, 3 та боғчага жойлаштириш, 4 та алимент ундириш, 3 та уй-жой масаласини ҳал этиш бўйича мурожаат тушган бўлиб, ўз вақтида ҳал этилган. Шаҳар Халқ қабулхонаси фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўлга қўйилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги, самарали тизими яратилишига асос бўлмоқда.

– Илгари ҳам фуқаролардан айрим муаммолар, камчиликлар юзасидан кўплаб ариза ва шикоятлар тушарди, – дейди Марғилон шаҳар Халқ қабулхонаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Ирodaхон Мамасиддиқова. – Бироқ уларнинг кўпчилиги бажарилмай қолгани туфайли норозиликлар учраб турарди. Халқ қабулхонаси ишлай бошлагандан буён аҳолининг талаб ва истакларини қондиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижа эса ижобий аҳамият касб этиб, Президентимиз томонидан олдимизга қўйилган вазифалар амалда ўз ифодасини топмоқда.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Навоий вилояти**

# МУАММОЛАР ЕЧИМИ САРИ

**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш орқали уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали усулларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Мулоқотларда аҳоли, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фермерлар ўз фаолиятини кенгайтириш, кредит олиш ва бошқа масалалар бўйича турли ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилиб, саволларига жавоб олмоқда.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари Хатирчи туманида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан танишди.

Жумладан, сенатор ва депутатлар тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, хонадонларда бўлиб, одамлар фикри ва эҳтиёжларини ўрганишди. Очиқ тарзда ўтказилган учрашувларда кўтарилган кўплаб масалалар ижобий ҳал этилди. Шунингдек, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти, яъни тиббий хизмат сифати, умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёни самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Суҳбатлар давомида жойларда юзага келаётган муаммолар, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида фикрлашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ўрганилган масалалар халқ депутатлари Хатирчи тумани Кенгашининг сессиясида муҳокама этилди.

Йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг аҳоли билан яқиндан мулоқоти ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, муаммоларга ўз жойида ечим топишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# САЙЁР ҚАБУЛ САМАРАСИ

**Қарши шаҳрида вилоят божхона бошқармаси мутахассислари иштирокида сайёр қабул ташкил этилди.**

Унда ҳудудда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари, божхона ишини расмийлаштириш бўйича мутахассислар, брокерлик фирмалари вакиллари қатнашди.

Тадбир Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қийнаётган долзарб муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида ўтказилди.

Сайёр қабулда тадбиркорлар томонидан ўртага ташланган таклиф ва муаммоларга Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари ҳамда вилоят божхона бошқармаси масъуллари ечим топишди.

– Мавжуд тартибларга кўра, экспортни амалга ошириш учун шартнома, пул тушганини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар талаб этилади, – дейди тадбиркор Муродали Фармонов. – Чет эллик ҳамкорларимиздан бунга оид ҳужжатларни олиш қийин кечаётгани натижасида маҳсулотни жўнатиш белгиланган вақтдан кечикяпти. Бу борада қўшимча имтиёзлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу таклифим тегишли мутахассислар томонидан ўрганиладиган бўлди.

Тадбирда, шунингдек, иштирокчиларга тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда бу борада божхона соҳасида яратилган имконият ва қулайликлар ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди.

**Собир ХОЛМУРОДОВ,**
*Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси катта инспектори.*

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

**Одатда етмиш ёшли инсонлар ҳақида гап кетганда, анчайин босиқ, ғайрати сокин, сўзлаши мулойим, ҳаракати вазмин кишилар кўз ўнгимизга келади. Аммо бизнинг қаҳрамонимиз етмишга кираётган бўлса-да, бироз бошқачароқ, серҳаракат, сўзлари бурро, ҳаётга меҳри баланд, фаолиятга иштиёқи кучли. Ҳамсуҳбат бўлар экансиз, ундаги шижоат беихтиёр сизга ҳам кўчади. Ҳикматга бой сўзларидан дунёни англашга, одамларга меҳр ва яхшилик улашишга бўлган иштиёқингиз кучаяди.**

# ЭЛ РАҲМАТИ – ИЛМ ЗАҲМАТИДАН



– Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Тўда қишлоғида (ҳозир бу қишлоқ Риштон туманига қарайди) улғайдим, – дейди техника фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Тошболтаев. – Болалигим ўтган асрнинг эллигинчи йилларига тўғри келган. Ўша пайтларда ҳамон ер омоч билан ҳайдалар эди. Чигитни қапгирда ташлашар, кетмон билан ғўза чопиқ қилинарди. Ота-онамизга эргашиб, далага чиқар эканман, шу ишларни техника билан амалга оширса бўлади-ку, деб ўйлардим. Ўзимча, омоч судраб кетаётган тракторларни, қапгирда чигит ташлаётган, кетмон кўтарган техникани тасаввур қилар эдим. Уйимизда кўп китоб ўқиларди, китоб муқаддас саналарди. Мактаб кутубхонасидаги, уйимиздаги барча китобларни ўқиб чиққандим. Шу сабаб, ижодга ҳам меҳрим бошқача эди. Мактабни битирганимдан сўнг, биринчи қизиқишим устун келиб, Тошкент политехника институтига ўқишга кирдим. Умримни, фаолиятимни техника, қишлоқ хўжалиги техникалари соҳасига бағишладим. Ушбу соҳа ҳаётим мазмунига айланди.

Муҳаммаджон Тошболтаев олийгоҳни имтиёзли диплом билан битириб, Давлат махсус конструкторлик бюросида муҳандис-конструктор бўлиб меҳнат фаолиятини бошлайди. Бу даврда илмий-тадқиқотлар олиб бориб, 1976 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

Сўнгра у 12 йил давомида Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида илм билан шуғулланди, ёшларга сабоқ берди. 1985-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида лаборатория мудири бўлиб ишлади. Кўп йиллик илмий изланишлари натижасида 1992 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, кўп ўтмай профессор илмий унвонига эга бўлди. Шундан сўнг у мамлакатимизнинг турли масъул лавозимларида меҳнат қилди.

Олимнинг 1999 йилдан бошлаб ўн бир йил давомида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозирга қадар Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича муовини лавозимида меҳнат қилмоқда. Демак, фаолияти амалиётда – деҳқон ҳузурида, илмда эса изланишлар жабҳасида кечмоқда.

У кўп йиллик тадқиқотлари натижасида кўплаб қишлоқ хўжалиги янги техника воситаларини яратишга муваффақ бўлган. Ғўза тупларига шакл берувчи ЧХУ-4, ғўза шохларини чилпиш учун PChM-4В мосламалари, ХС-1,8, ХС-25 ва ХНП-1,8М пахта териш машиналарига ўрнатилган пахта кўсакларига интенсив ишлов берувчи терим ускунаси шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади. Бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олим меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. М.Тошболтаев мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини механизациялаш фани ва амалиётини уйғунлаштиришга интилади. Масалан, кейинги йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалари корхонасида МХ-1,8 пахта териш машиналарини қайтадан серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида улар теримини ташкил этиш каби жараёнларда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. У мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизациялаш тадбирлари ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммолари" Кенгашининг раиси, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти қошидаги ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси ва семинар раиси сифатида фермерларни юқори сифатли ва унумли машиналар билан таъминлаш, олий малакали илмий кадрларни тайёрлаш йўлидаги меҳнатини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Айни кунларда қишлоқ хўжалигида фирмавий техник сервис тизимини такомиллаштириш, истиқболли машиналар тизимини яратиш, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш даражасини ошириш, ресурстежамкор янги агротехнологияларни яратиш ва жорий этиш каби ниҳоятда долзарб илмий-амалий масалалар билан машғул.

Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида айтадики, "Илм ўқуб амал қилмағон, ерни шиёр қилиб тухум солмағонға ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра олмағонға". Унинг фаолиятини кузатсангиз, ҳар бир илмининг амалини кўрасиз, маҳсулини ҳис этасиз. Олим томонидан яратилган 545 та илмий ишлар, шу жумладан, 60 та китоб, рисола ва монография, 70 та ихтиро фикримизга далилдир. Сўнгги йилларда яратган "Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий ва олий таълим муассасаларининг фан, технологиялар ва инновация фаолиятини баҳолаш индикаторлари", "Пахтачилик ва ғаллачилик машиналарини ростлаш ва самарали ишлатиш", "Машина-трактор агрегатларини тизимли моделлаштиришнинг тафсилий-методик асослари", "Фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари учун талаб этиладиган техника таркиби ва сонини ҳисоблаш", "Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари" каби илмий, "Олим, илм, кашфиёт ва тараққиёт", "Илмий ижод: моҳияти, унсурлари, тавсифалари" оммабоп китоблари илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Олим фақат сўнгги беш йилда ўн иккита илмий, оммабоп китоблар ёздики, ундаги бу хислат кўплаб ёш олимларимиз учун ибрат бўлади, албатта. У ўзидаги шу ғайрати шогирдларида ҳам бўлишини истайди ва бу жиҳатдан уларга ниҳоятда талабчан. Унинг раҳбарлигида ўндан ортиқ фан доктори ва номзодлари етишиб чиқди. Шогирдлари унинг илмдаги қатъияти, табиатидаги бағрикенглиги ва ғамхўрлигини алоҳида таъкидлашади. Ҳа, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ўзини Муҳаммаджон Тошболтаевнинг шогирди деб биладиган кишиларни учратасиз. Унинг шогирдлари бугун шу соҳанинг ва давлатимизнинг нуфузли идораларини бошқариб келади. Уларнинг табиатидаги жонкуярлик ва фидойиликда эса устоз меҳнатининг маҳсулини кўрасиз.

Муҳаммаджон ака ақлан олим, қалбан ижодкор, табиатан самимий, хушфеъл инсон. Унинг бадиий ижод намуналаридан газетхонлар доим мамнун. У иштирок этган катта-кичик davraларда, албатта, "Дилхирож" янграйди. Ундаги хушчақчақлик, ҳажвга мойиллик бутун давра аҳлининг баҳри-дилини очиб юборади. Яқиндан билган кишилар олимнинг деҳқон билан деҳқон тилида, фан намояндалари билан илм тилида суҳбатлашишини ва, албатта, тадбирларда қувнаб-яйраб ўтирадиган самимий даврадош инсон эканлигини алоҳида эътироф этишади, бот-бот такрорлашади.

Олим узоқ йиллардан буён "Қишлоқ ҳаёти", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ҳуррият" газеталари ҳамда "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", "Муштум" каби журналларда маънавий-маърифий мақолалари, кичик насрий асарлари билан мунтазам қатнашиб келади. "Фикрат ҳосилалари", "Кулдиргилар ва куйдиргилар" сингари китоблари ижодкорнинг бадиий тафаккури маҳсулидир.

Муҳаммаджон Тошболтаев ташаббуси билан яратилган яна бир китоб хусусида алоҳида тўхталмоқчимиз. Маълумки, халқимиз, айниқса, қишлоқ аҳли азалдан томорқачилик, чорвачилик билан машғул бўлиб келади. Бу борада "Аҳоли томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма" китоби содда ва халқона тилда тартиб этилгани деҳқон хўжаликларига, ўз томорқасида деҳқончилик қилаётган фуқароларга муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Муҳаммаджон Тошболтаев давлатимиз томонидан "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирлангани унинг кўп йиллик меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Бугун улуғ ёшида ҳам улуғ ишларнинг бошида турган устоз ана шундай одам. Бу инсон меҳнат қилган жойлари, амалга оширган эзгу ишлари ҳақида батафсил маълумот беришга битта мақола камлик қилар, балки. Қолаверса, яратувчанлик иштиёқи билан яшаш, дунёдан ҳикмат излаш ва кашф этилган ҳар бир ҳикматни улашишнинг ўзи бир мавзу. Яна ҳазрат Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида айтган сўзлари ёдга келади: "Соҳиби ҳикмат муфлислиқ ила паст бўлмас..." Ҳа, дунёни кашф этиб, ҳикмат улашиб яшашнинг ўзи ҳам катта бахтдир. Бу иштиёқ – деҳқонларга қулайлик яратиш шижоати устозни асло тарк этмасин.

**Абдусалим ТЎХТАҚЎЗИЕВ,**
*техника фанлари доктори,*
**Абдукарим АБДУРАҲМОНОВ,**
*техника фанлари номзоди,*
**Тоҳир ДОЛИЕВ,**
*журналист.*

Реклама ва эълонлар





| | |
|---|---|
| Акрамова Шаиста Саидмахмудовна номига Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Абай кўч. Ц-15 2-уй 58-хонадон учун 22.01.1993 й.да берилган 09-02/3345 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. | Тошкент ш. Яшнобод т. ДСИда (23.01.2017 й., реестр № 018381) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Самиков Хожиакбар Абдусамат ўғлига (СТИР 536779856) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. |
| Тошкент ш. Сергели т. ТСРЎИда рўйхатга олинган (реестр № 000970-06) "JELDOREKSPRESS" МЧЖнинг (СТИР 206779871) устав фонди 123 973 150 сўмдан 23 973 150 сўмгача камайтирилади. Тел.: (94) 624-90-37. | Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ТСРЎИда (реестр № 2523, 07.01.2011 й.) рўйхатдан ўтган "UCH QAXRAMON ULGURJI SAVDO" шўъба корхонаси (СТИР 302893689) мулкчилик шакли МЧЖга ўзгаришини маълум қилади. |
| Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимлиги "Ягона дарча" марказида (19.10.2016 й., реестр № 1566) қайта рўйхатдан ўтган "SHOHONA RANGLI BO'YOQLAR" МЧЖнинг (СТИР 300168534) устав фонди 211 765 592 сўмдан 27 300 000 сўмга камайтирилади. | Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти "Ягона дарча" марказида (22.09.2015 й., реестр № 008491-05) рўйхатга олинган "MEBEL-DILVAZIZ" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "MEBEL-DILVAZIZ" ХКга ўзгартирилади. |
| "POWER INTERNATIONAL TRANSPORT" ХКга тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг 1344893, 1344894, 0033372, 0033386, 1347985, 1347986, 1373012, 1381157, 1381157, 1381158, 1381159, 1381160, 1385120, 0038334, 0038334, 0038338, 0038339, 0038340, 0038341, 0038342 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. | Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИда (реестр № 008891-01, 22.01.2016 й.) рўйхатга олинган "GRANULE CELLOPHANE" МЧЖнинг устав фонди 350 000 000 сўмдан 181 900 000 сўмга камайтирилади. Даъволар учун тел.: 128-57-00. |
| Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатга олинган "DONIYOR BUSINESS GROUP" МЧЖнинг устав фонди 30 000 000 сўмдан 15 000 000 сўмга камайтирилади. | Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда рўйхатга олинган "OLMAZOR BUNYODKOR QURILISH SERVIS" ПБК МЧЖ Олмазор т. ТСРЎИда рўйхатга олинган "SAG'BON A'LO KOMMUNAL" ПБК МЧЖга бирлашиб кетишини маълум қилади. |
| Тошкент ш. Яккасарой т. ТСРЎИда (реестр № 008443-11) рўйхатга олинган "ORIGAMI GROUP" МЧЖнинг (СТИР 303262882) ташкилий-ҳуқуқий шакли барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтган ҳолда "ORIGAMI GROUP" ХКга ўзгартирилади. Тел.: 254-54-99. | Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимияти ТСРЎИда (29.07.2008 й., реестр № 002341-01) рўйхатдан ўтган "ASIDA STYLE" МЧЖнинг (СТИР 300900027) ташкилий-ҳуқуқий шакли "ASIDA STYLE" ХКга ўзгартирилади. |
| Тошкент давлат аграр университети томонидан 2005 й.да Исрафилов Руслан Салаватович номига берилган В № 234855 (т/р 1049) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. | Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатга олинган "EXCELLENT SWEET PRODUCT" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ХКга ўзгартирилади. |
| "PERFECT TECHNO TRADE" ХКнинг (СТИР 303110834) ташкилий-ҳуқуқий шакли (таъсисчининг 15.02.2017 й.даги қарорига асосан) "PERFECT TECHNO TRADE" МЧЖга ўзгартирилади. Тел.: (98) 128-07-07. | Тошкент ш. Сергели т. ТСРЎИда (реестр № 004478-06, 16.10.2014 й.) рўйхатга олинган "ASILBEK QURILISH BIZNES" ХКнинг (СТИР 303071550) тугатилиши ҳақида матбуотда чоп этилган эълон бекор қилинади ҳамда таъсисчининг 13.02.2017 й.даги қарорига асосан корхона фаолияти қайта тикланганлиги маълум қилинади. Манзил: Спутник-16 4-уй 2-хонадон. |










Qishloq Qurilish Bank
**АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»**
Асосий воситаларини сотиш мақсадида баҳолаш юзасидан баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.
Танлов бўйича тижорат таклифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда қабул қилинади.
Танлов шартлари бўйича батафсил маълумотларга эга бўлиш учун қуйидаги манзилга ёки телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
**Манзил:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18 А-уй.
**Телефонлар:** (+998 71) 150-76-80, 150-76-81.
*Хизматлар лицензияланган.*



QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зойир МИРЗАЕВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

**Телефонлар:** Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-26-42, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04
**Вилоятлар:**

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-00-27; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99893) 994-57-08; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 644-44-11; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 792-71-25; |
| Қашқадарё | – | (+99891) 635-08-03. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
**26171** нусхада чоп этилди.
**НАШР ИНДЕКСИ — 144**
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **23.10**

ISSN 2010-7021

**Навбатчи муҳаррир:** О.ОЧИЛОВ
**Мусаҳҳиҳ:** Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6